



20 14 yil "24" avgust
№ 8-4-4/959

**Олий тиббиёт таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича 2017 йил 14 августдаги Давлат комиссияси йиғилишининг 6-сон баёни ижросини таъминлаш мақсадида:

КЎРСАТМА ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2017 йил 14 августдаги 10095-хх-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул бўйича тест синовларининг умумий кўрсаткичлари акс эттирилган Давлат тест марказининг якуний қайдномалари ижро учун қабул қилинсин ва тиббиёт олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилишда асос қилиб олинсин ҳамда:

-Давлат тест маркази якуний қайдномалари олинган кундан бошлаб **бир кун давомидатест** натижаларини абитуриентларга ва ота-оналарга ошкоралик руҳида эълон қилиниши таъминлансин;

- **жорий йилнинг 20 августига қадар** давлат гранти асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентларни талабаликка қабул қилиш бўйича, жорий йилнинг **15 сентябрига қадар** тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этилган ҳамда шартнома шартларини бажарган абитуриентларни талабаликка қабул қилиш бўйича буйруқлар расмийлаштирилиши таъминлансин;

- тест натижалари бўйича юзага келган саволлар ва эътирозлар бўйича керакли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ва мавжуд амалдаги Низомлар асосида тўлиқ тушунтириш ишлари ташкил этилсин;


-тест натижалари эълон қилинган кундан эътиборан тест натижалари эълон қилинган жойларда хавфсизлик таъминлансин, ёнғин ва бошқа фавқуллода вазиятларнинг олди олинсин;

-абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, лозим пайтда тиббий хизмат кўрсатиш чоралари кўрилинсин;

- абитуриентлар ва ота-оналарнинг тест натижалари юзасидан юзага келган саволларига тезкор ва тўла жавоб бериш мақсадида тажрибали ва етук профессор-ўқитувчиларидан иборат Ишчи гуруҳ тузисин.

- Ушбу Кўрсатма хатнинг ижроси бўйича назорат вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Қ. Юсупалиевга юклатилсин.

Вазир



А.Қ. Шадманов